

8-1-2018

TRADITIONS AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF THE WORLD INSURANCE MARKET

N. Yakubova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Yakubova, N. (2018) "TRADITIONS AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF THE WORLD INSURANCE MARKET," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Якубова Н.Т. ТМИ, тадқиқотчи

ДУНЁ СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ TRADITIONS AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF THE WORLD INSURANCE MARKET

Мақолада дунё суғурта бозори ривожланиши анъаналари ҳамда яқин ва стратегик истиқболи ўрганилган. Хусусан, суғурта тармоғида етакчи ўринларни эгаллаган мамлакатлар тажрибаси атрофлифлича тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: жаҳон суғурта бозори, жаҳон суғурта бозорининг глобаллашуви, Ўзбекистон суғурта бозори, жаҳон суғурта бозорининг истиқболлари

В статье рассматриваются тенденции и перспективы развития мирового страхового рынка на тактическую и стратегическую перспективу. Подробно рассмотрены страны, занимающие лидирующее положение в данном секторе.

Ключевые слова: мировой страховой рынок, глобализация мирового страхового рынка, страховой рынок Узбекистана, перспективы мирового страхового рынка

The article examines trends and prospects for the development of the world insurance market for a tactical and strategic perspective. The countries occupying a leading position in this sector are considered in detail.

Keywords: world insurance market, globalization of the world insurance market, insurance market Uzbekistan, prospects of the world insurance market

Кириш. Мавзунинг долзарблиги

Суғурта инсоният тарихининг тадрижий ривожланиши босқичларида молиявий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётга таъсир этувчи муҳим омил бўлиб келган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида суғурта бозорининг инновацион ривожланиши жадал ўзгаришлар қамровида кечаётганлиги мазкур институт фаолиятини назарий-амалий тадқиқ этиш долзарб эканлигини англатади.

Суғурта бозори ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосий сегменти ҳисобланади, айтилган вақтда, бевосита унинг равнақига ҳам хизмат қилади. Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, суғурта фаолияти ўзига хос тарзда шаклланган ва кенг қўлланилаётган ижтимоий ҳодиса бўлиб, барқарорлик омили саналади.

Мамлакат суғурта бозори ривожини прогнозлаш ўз навбатида, бизнес субъектлари ва аҳоли манфаатлари ҳимоясини кафолатли даражада таъминлаш институти сифатида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқарди.

Мақоланинг мақсади - дунё суғурта бозорининг ривожланиши анъаналари ва истиқболини тадқиқ этиш негизида муаммоли омиларини аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Тадқиқот олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, илмий ишланмалар таҳлили, норматив-ҳуқуқий асослар, интернет тармоғи материаллари, суғурта бозорига оид статистик маълумотлар, эксперт хулосаларидан фойдаланган

ҳолда кузатилган муаммоларнинг моҳиятини тушуниб етиш ҳамда ҳал этиш юзасидан таклиф-тавсиялар мулоҳазаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилишига асосланади.

Ўзбекистон суғурта бозори дунё суғурта бозорида сезиларли ўринни эгалламасада, жадал ва барқарор ривожланиш анъанасига эга эканлиги билан ажралиб туриши кузатилмоқда. Суғурта молиявий хизматлар бозорида инвестицияларни ривожлантиришга қаратилган муҳим институтлардан бири саналади ва бутун мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришнинг омили ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнининг суғурта бозори ривожланишига таъсири.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёни дунё миқёсида жадал ривожланиш учун қулай шарт-шароит яратди. XXI асрнинг иккинчи ўн йилларида жадал ривожланиш анъанаси кузатилаётган қатор мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги умумий иқтисодий маконнинг моҳиятини оширди. Хусусан, мавжуд иқтисодий тузилмалар ривожланиши ахборот ва технологиялар алмашувини доирасида, ишлаб чиқариш кучларининг халқаро даражадаги интеграцияси иқтисодий ривожланиш жадаллашуви учун қулай шарт-шароит яратди ҳамда эътиборга молик бўлган иқтисодий категория сифатида унинг равнақига хизмат қилди [7].

Дунё суғурта бозори глобаллашуви жараёни унинг ривожланишида асосий йўналишларини ўзида намоён этди. Хусусан, XXI асрнинг кейинги беш йилида қуйидаги анъаналар кузатилаётганлигини келтириб ўтиш мумкин:

- суғурта капитализацияси концентрациялашувининг ортиши, бу жараёнда суғуртачилар ва қайта суғуртачилар ўзаро бирлашиб кетиши ҳолатида кўп миллий суғурта компанияларининг ўзаро қўшилишлари ёки бир-бирини “ютиб юбориши” оқибатида глобал суғурта бозорининг қамрови кенгайиб бораётганлиги кузатилди;

- халқаро миқёсда суғурта, банк ва молия капиталининг яхлит тизимлашиши ва ҳамкорлиги, трансмиллий суғурта компаниялари шаклланишига омил бўлди;

- суғурта riskини бошқаришнинг муҳим омили сифатида riskлар тадқиқига эътибор ортди;

- барқарор бўлмаган бозор муҳитида суғурта хизматларини истеъмолчиларга сотишнинг янги механизми - интернет тармоғининг роли ортиши кузатилмоқда;

- хорижий суғуртачилар фаоллашуви, аввало уларнинг сони кескин ортиши оқибатида Европа, Лотин Америкаси ва Осиё бозорлари кескин сиёсий ўзгаришлар таъсири остида қолди, дунё савдо ташкилоти етакчилигида суғурта назорати бўйича халқаро Ассоциация фаолият кўрсата бошлади [8].

XXI асрнинг биринчи ўн йилликларида кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қатор мамлакатларда суғурта мукофотлари ҳажми камайиши анъанаси кузатилди. Хусусан, суғурта бозорини минтақалар кесимида баҳолайдиган бўлсак, суғурта мукофотлари ҳажми Европа суғурта

бозорида - 39,6%; Шимолий Америка ва Осиё бозорларида эса - 30,4% ни ташкил этганлиги кузатилди.

Миллий суғурта бозорларининг ўзига хослиги, уларда суғурта хизматлари турли даражада кўрсатилиши ва суғурта ҳимояси мукамаллиги хилма-хил эканлиги билан ажралиб туради [9].

Дунё суғурта бозорининг ривожланиш истиқболи жорий йилда 2017 йилга нисбатан янада яхшиланиши аънанаси кузатилмоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Европа ва Америка иқтисодиётининг ривожланиш аънанаси тикланмоқда. Осиё ва Лотин Америкасининг суғурта бозорларида ўсиш суръатлари барқарорлиги кузатилмоқда. Шу билан биргаликда, келтириб ўтиш лозимки, қатор мамлакатларнинг суғурта компанияларида ҳал этилмаган муаммолар мавжудлиги ҳам кўзга кўриниб қолди. Масалан, инвестицияларнинг кам даромадлилиги, суғурта бозорларини тартибга солишнинг мураккаблиги ва ҳоказо ҳолатларга дуч келинмоқда [10].

Хорижий экспертларнинг мулоҳазаларига кўра, дунё суғурта бозори ривожланишида 2018-2019 йиллар мобайнида мўътадил ўсиш башорат қилинмоқда, АҚШнинг реал ялпи ички маҳсулоти эса, евро худуди ва Буюк Британияга қараганда бироз жадал ўсиши кутилмоқда.

Қатор минтақаларда Swiss Re(Schweizerische Rückversicherungs-Gesellschaft AG) нинг йиллик сўровига кўра, 2017 йил суғурта бозорининг глобал таҳлили ва 2018 йилги прогнози” бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиши кутилмоқда.

Ривожланаётган бозорларда иқтисодий ўсиш прогнози 8-9% даражасида бўлиб, умумий суғурта маҳсулотларига бўлган талаб ошишига омил бўлмоқда. Шу билан биргаликда ҳаёт суғуртаси секторида қатор муаммоларга дуч келмоқда, бу ҳолатнинг юзага келишига асосий омил сифатида одатда паст фоиз ставкалари қўлланилиши сабаб бўлганлиги таъкидланмоқда. Шунга қарамасдан, 2017 ва 2018, яъни кейинги икки йил давомида глобал бозорда ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари 4% га ошиши ва ушбу аънана ривожланаётган бозорларга хос эканлиги намоён бўлмоқда [5].

2018 йилда дунё иқтисодиётининг ўртача даражада мўътадил ривожланиши кутилмоқда. АҚШ ва Буюк Британия ялпи ички маҳсулоти ҳозирга келиб, деярли 2,5% ўсганлиги, Япония ва Европа ўрта ўсиши, мос равишда 0,7/1,5% даражасида бўлганлиги дан келиб чиқиб, ҳар бир инсон 2018 йилда келтириб ўтилган малакатлар иқтисоди ўсиши бирмунча юқори суръатларда кечишини кутмоқда. Ривожланаётган давлатлар ялпи ички маҳсулоти келгуси икки йил мобайнида тахминан 5% га ўсиши тахмин қилинмоқда, бу ҳозирги 4% даражасидаги кўрсаткичдан яхшироқдир. Қатор хорижий экспертларнинг фикрича, иқтисодий ва савдо масалалари бўйича сиёсатнинг ноаниқлиги сабаб АҚШнинг суғурта соҳасидаги фаолияти 2017 йилда пасайганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижасига асосланиб таъкидлаш лозимки, глобал иқтисодиётнинг қуйидаги асосий муаммолари мавжудлиги кузатилмоқда:

- Хитойда иқтисодий ўсишининг пасайиши:
- нархларнинг бозор баҳоси тушиши;

- Forex (ингл. Foreign Exchange) фонд бозорларида валюта курсининг кўтарилиш.

Муаммолар асосий прогнозлар ўз исботини топишига таҳдид солиши мумкин, аммо ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмайди. Иқтисодий прогнозни такомиллаштириш ва пул-кредит сиёсатида кутилаётган ҳажм ўзгариши АҚШ ва Буюк Британияда давлат заёмларининг рентабеллигини ошириши мумкин [4].

1-жадвал.

**Дунёнинг асосий бозорлари ва ҳудудларида
тўғридан-тўғри суғурта мукофотларининг ўсиш динамикаси[5]**

Мамлакатлар ва минтақалар	й и л л а р				
	2013	2014	2015	2016	2017
АҚШ	3,2	3,0	3,8	1,8	1,3
Канада	2,7	1,9	2,7	0,8	2,3
Япония	7,7	0,3	2,5	2,8	1,0
Австралия	5,7	1,0	-0,1	0,7	2,1
Буюк Британия	-1,8	1,9	2,3	1,3	2,2
Германия	2,5	2,9	2,6	1,7	0,6
Франция	0,1	0,3	0,7	1,0	1,4
Италия	-6,1	-3,0	-3,0	-1,8	1,5
Ривожланган бозорлар	2,1	2,0	1,7(2)	1,8	1,7
Ривожланаётган бозорлар	8,0	6,3	5,6	7,9	8,7
Бутун дунё бўйича	3,2	2,8	2,5 (2)	3,0	3,2

Хорижий экспертларнинг мулоҳазаларига кўра, дунё суғурта бозорида кейинги икки йилда умумий суғурта маҳсулотларига бўлган талаб ўсмоқда. 2017 йилда умумий суғурта бўйича бирламчи суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиши 3,2% ни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Ривожланган бозорлар кўрсаткичларининг ўсиши нархлар “эгиловчанлиги” ва иқтисодий ўсиш заиф-сезиларли эмаслиги туфайли секинлашиши кутилмоқда. Ривожланаётган бозорлар 2015 йилги ўсиш 5,6% бўлганидан сўнг, 2016 ва 2017 йилларда ўсиш суръати бўйича умумий суғурта секторидаги мос равишда 7,9% ва 8,7% ни ташкил этди. Юксак ўсиш суръати Осиёдан ривожланаётган мамлакатларида (йилига 12% гача) ва Марказий ва Шарқий Европада 2014-2015 йиллардаги икки йиллик пасайишдан кейин мўтадил бўлиши кутилмоқда.

Шунга қарамай, рисклар трансформацияси (қайта суғурталаш) баҳосидаги пасайиш кейинги икки йил давомида ишлаб чиқариш рискларини қайта суғурталашдан олинган даромадларнинг камайишига олиб келди. Кўчмас мулк рискларини қайта суғурта қилиш ставкалари ҳозирги кунда энг паст нуқтага яқинлашмоқда, бизнеснинг аксарият йўналишларида мўтадил

нарх пасайиши кузатилмоқда ва баъзи ҳолларда эса, нарх-наво самарасиз бўлиб қолмоқда. Бахтсиз ҳодисалардан ҳамда муайян рисклардан суғурталаш бўйича ёндашувларда бозор, ва ҳатто ишбилармонлик тармоғига боғлиқ равишда сезиларли фарқ бўлиши кутилмоқда [8].

Ҳаётни суғурталовчилар дунё иқтисодий ўсиш прогнозлари шуни кўрсатмоқдаки, кузатилаётган барқарор паст фоиз ставкалари, молиявий бозорлардаги ўзгарувчанлик ва уни тартибга солишдаги ўзгаришлари туфайли қисқа ва ўрта муддат давомида бизнеснинг сезиларли даражада қисқариши таҳмин этилмоқда. Шунга қарамай, прогнозларга кўра, ривожланган бозорларда суғурта мукофотларининг ўсиши 2018 йилда қарийб 2,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бундай ўсишлар қисман мобил қурилмалар ва булутли технологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши қайд этилмоқда. Бу ўринда келтириб ўтиш ўринлики, Осиёдан ривожланаётган бозорида йилига 13% гача ўсиши кузатилиши мумкин. Кўпгина ривожланаётган бозорлар учун асосий масала риск нуқтаи назаридан асосланган капиталлашувга боғлиқ бўлган тўловга лаёқатлилик стандартларини киритиш бўлиб қолмоқда [2].

Тропик Африка (ингл. Sub-Saharan Africa), шунингдек, ривожланаётган бошқа бозорларда паст товарлар баҳоси кузатилиши оқибатида капитал “оқиб чиқиб кетиши” омилига дуч келинмоқда. Рискларни суғурталаш талаби 2018 йилда ҳам юқори даражада қолиши эҳтимоли суғурта мукофотлари ўсиши 4,5-5,0% ни ташкил этишига асос бўлиши мумкин. Бироқ нефтни ишлаб чиқарувчи айрим мамлакатларда суғурта мукофотлари ҳажмининг пасайиши, ёхуд ҳатто қисқариши ҳам кутилмоқда.

Глобал ва минтақавий суғурта гуруҳлари фаолият фаоллашуви орқали энг қулай амалиётлар жорий этилиши суғурта бизнесининг сифати ҳамда қамрови яхшиланишига омил бўлиши мумкин [3].

Ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 2017 йилда олдинги йилга нисбатан 0,8-1% га пасайган бўлса, 2018 йилда 2,5% гача пасайиши эҳтимоли кузатилмоқда. Бироқ, Жанубий Африканинг минтақадаги жами суғурта мукофотидаги улуши 90 фоизни ташкил этишини қайд этган ҳолда бундай пасайиш анъанасининг кузатилиши оқибатида умидсизлик келиб чиқишига омил бўлиши мумкин. Айрим Африка мамлакатларида, хусусан, Кения ва Нигерияда бу кўрсаткичнинг барқарор ўсиши прогноз қилинмоқда. Жаҳон суғурта бозори ривожланишининг узок муддатли истикболга тўхталадиган бўлсак, кейинги ўн йил ичида фундаментал ўзгаришларга дуч келиши кутилмоқда. Замонавий технологиялар, катта ҳажмдаги маълумотлар, паст фоиз ставкалари, шубҳасиз, ўз изларини қолдирадиган омиллардандир.

Рисклар трансфери ва трансформацияси бўйича янги суғурта маҳсулотлари ҳамда бизнес жараёнларининг такомиллашган моделлари тақдим этилиши сўнгги йилларда дунё суғурта бозорида мўътадил ўсиш анъанси юзага келишига омил бўлмоқда.

XXI асрнинг учинчи ўн йилларида суғурта хизматларига бўлган талаб ривожланаётган мамлакатлар бозорларида, айниқса, бу кўрсаткич Осиё бозорида юқори даражада сақланиб қолиши кутилмоқда, чунки бу минтақа

мамлакатларида даромад ва хавфсизлик даражаси ўсиши прогноз қилинмоқда. Айирбошланиш курси талабларини инобатга олган ҳолда, статистик маълумотлардан фойдаланиш натижасида суғурта бозорининг ўртача йиллик ўсиши 2026 йил олдинги даврга нисбатан 3,8% га ошиши прогноз қилинмоқда. Ҳаёт суғуртаси сегментларида ўсиш суръатлари 2016 ва 2017 йилларда мос равишда 3,9% /3,6% ни ташкил этди. Бу суръатлар келажакда жаҳон суғурта бозорида мукофотлар ҳажмининг ўсиши ва хизматлар қамрови ортиб боришини аниқлатади [1].

Ушбу ижобий глобал кўрсаткичларнинг ортида минтақалар кесимидаги суғурта хизматлари билан қамров даражасидаги фарқланишлар ҳам намоён бўлади. Хусусан, Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиёнинг саноати ривожланган мамлакати Япония бозорларида жамланган суғурта мукофотларининг дунё бўйича жами ҳажмидаги нисбати 2016 йилда 70 фоизни ташкил этган бўлса, бошқа ҳудудлар ҳисобига мос равишда 30% тўғри келиши, эҳтимол, келгуси ўн йилликларда мазкур ҳудудларга суғурта хизматлари кириб бориш даражаси ортиши мумкин. Экспертлар М. Грим ва К.Брандмеирининг баҳолашларига кўра, 2026 йилгача бўлган даврда суғурта бозорларида ўртача йиллик ўсиш суръатлари Ғарбий Европада - 2,9, Шимолий Америкада - 2,4, Японияда эса 0,8% даражасида бўлиши, хусусан, Ғарбий Европанинг 3 та йирик (Буюк Британия, Франция ва Германия) бозорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган ялпи даромад 800 млрд. евро ни ташкил этиши, айнан дунёнинг бошқа ҳудудлар ҳисобига, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Осиё мамлакатларида бу борада суғурта хизматлари кўламини ортишини аниқлатади. Бу жараёнда 2026 йилгача бўлган давр давомида Хитой дунёдаги иккинчи йирик мамлакатга айланиши, Осиё минтақасида (Япониядан ташқари), 2026 йилгача бўлган даврда суғурта мукофотлари ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш 7,3% га тенг бўлиши бунинг далили ҳисобланади. Бундан ташқари, Лотин Америкасида ҳам ўсиш суръатлари юқори даражада бўлиши кутилмоқда.

Лотин Америкаси минтақасида суғурта мукофотларининг ўртача ўсиш суръатлари тахминан 5,7% даражасида бўлиши, Жанубий Америкада умумий суғурта мукофотлари ҳажми икки баробар ошиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, келажакда Бразилия мазкур минтақадаги, тахминан 84 млрд. евро миқдоридagi (гарчанд бу Италия бозори кўрсаткичининг ярмига тенг бўлсада) суғурта мукофоти жамланадиган йирик бозор бўлиб қолади.

Суғурта хизматларининг Лотин Америкасида ҳам, Осиёда ҳам келгуси йилларда қамрови ортиши ва ривожланиш даражаси ўсишда давом этади. Шарқий Европада эса, бу кўрсаткич кейинги ўн (2008-2018) йиллар давомида 2,1 дан 1,7% гача камайганлиги кузатилган бўлса, келгуси йилларда суғурта бозори барқарор ривожланиши кутилмоқда. Суғурта бозоридаги ижобий силжишлар аниқланиши кутиладиганлигига асосланиб келтириб ўтиш мумкинки, Шарқий Европа минтақасида ўсиш суръати 2018 - 2026 йилларда ўртача 4,9% ни ташкил этиши шуни кўрсатмоқдаки, минтақада суғурта фаолиятидан олинган кутиладиган даромадларнинг умумий миқдори тахминан 86 млрд.

евро даражасида, яъни 2026 йилда худди Бразилиядаги каби ҳажм даражасида бўлиши мумкин.

Суғурта бозорида мукофотлар ҳажми бўйича кутилаётган ўсишни ҳисобга оладиган бўлсак, 2026 йилда Эксперт А.Бенфиэлд тахминига кўра, жами глобал даромад сезиларли даражада яъни 1,8 трлн.дан 5,3 трлн. еврога ортиши мумкин. Ушбу кутилаётган даромадларнинг 27% ёки 490 млрд. евро миқдори Хитойга тегишли бўлиши, Осиёнинг (Япониядан ташқари) бошқа ҳудудлари ҳисобига 350 млрд. евро миқдорида қўшимча даромад олиниши кутилмоқда [2].

Шимолий Американинг суғуртачи субъектлари ҳам шунча миқдорда суғурта мукофотлари суммаси жамланишига эришишлари прогноз қилинмоқда. Ғарбий Европа минтақасида суғурта мукофоти 377 млрд., унинг бошқа ҳудудларида 234 млрд., Латин Америкасида эса, 88 млрд. евро миқдорида ўсиши кутилмоқда.

Глобаллашув жараёнида Шарқий Европада минтақасида ҳам ижобий силжишлар кутилмоқда. Хусусан, 2016 йилга келиб, Туркия бозори Польша бозоридан илгарилаб кетиши ҳисобига минтақада Россиядан кейинги иккинчи йирик бозорга айланади.

Россияда кейинги, 2012-2018 йиллар мобайнида суғурта компаниялари сонининг барқарор пасайиши кузатилмоқда. Хусусан, 2012 йилга нисбатан 2017 йилда уларнинг сони 435 тадан 226 тага ёки қарийб 60 % га камайган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси доирасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, суғурта хизматлари бозорида ўзгартиришлар ва ислохотлар ўтказиш кўзда тутилган. Мамлакатимиз суғурта бозорининг барча субъектларидан ўз фаолият тармоқлари ва йўналишлари кесимида халқаро стандартларга жавоб берадиган инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳолининг суғурта тизимида бўлган талабига мос равишда ишончини оширишга бошқа кенг қамровли функционал фаолият самарадорлиги оширилишини талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 27 та суғурта компанияси фаолият кўрсатиб келмоқда, шундан 4 та суғурта компанияси ҳаёт суғурта соҳасида, қолган 23 та компания умумий суғурта тармоғида фаолият юритмоқда. Уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 1283 та бўлинмасида 5,5 мингдан ортиқ ходим ва 7,1 минг нафар суғурта агентлари жисмоний ва юридик шахсларга 130 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келишмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон суғурта бозорида 3 та суғурта брокери, 21 та ассистанс, аджастер, сюрвейерлар, 4 та актуар ташкилоти, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси, ТВЭФЖМС бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ҳам фаолият кўрсатиб, ўз хизматларини таклиф этишмоқда.

Замонавий шароитда Ўзбекистон суғурта бозорининг жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Мамлакатимиз суғурта бозорини янада муваффақиятли ривожлантириш ва глобаллашув жараёнида халқаро бозорга интеграцияси самарали амалга оширилиши борасида қуйидагилар чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

- суғурта хизматлари учун талабни рағбатлантириш орқали аҳоли ва бизнеснинг суғурта саводхонлигини оширишга кўмаклашиш асосида суғурта (қайта суғурта)нинг қамрови, салоҳияти ва нуфузини ошириш;

- суғуртанинг мажбурий турлари умумий ҳажмининг улушини қисқартириш ва мажбурий суғурта тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига тизимли номутаносибликларни бартараф этиш, хусусан, суғурта бозори инфратузилмаси ва қайта суғурталаш бозорини ривожлантириш;

- суғурта фаолияти субъектлари рақобат ва ошкоралик асосида функционал даражадаги самарадорлигини ошириш, хусусан, суғурта қонунчилигини такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларини ривожлантириш.

Хулоса

Молия бозорининг ажралмас қисми саналадиган суғурта бозорида субъектларнинг, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жабҳасидаги фаолиятини жадал ривожлантириш орқали суғурта бозори қамровини кенгайтириш ўз ечимини кутатган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё суғурта бозори воситалари фонкционалигида глобаллашув ва интеграция жадал кечаётган ҳозирги шароитда молиявий ва бошқа омиллардан самарали фойдаланилиши негизида 2018 йилда глобал суғурта бозорида бир қадар ўсиш кутилмоқда. Бу ҳаёт суғурта мукофотлари ва ривожланаётган бозорларда ҳаётни суғурталашга бўлган талаб ўсиши, хизматлар нархи барқарор бўлиши кутилмоқда.

Глобал суғурта бозорида кечаётган ижобий силжишлар замирида ички бозорнинг бу жараёнга мослашуви, етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаштириш масалалари, маблағларни узоқ муддатли хавфсизлик воситаларини суғурталашга йўналтириш, солиқ имтиёзлари қўлланилиши мамлакатимиз суғурта институти томонидан дунё суғурта бозорини кашф этиш эҳтимоли кўллаб-қувватланиши зарур. Дунё суғурта бозорининг жорий ҳолатида суғуртанинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган шароитда Ўзбекистон реал иқтисодиётини инновацион ривожлаштириш жараёнида суғурта фаолиятини истикболини режалаштириш ва прогнозлаштириш ҳамда уни амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароит яраътилиши зарур.

Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, 2019-2020 йилларда умумий суғурта маҳсулотларига талаб ўсади. Умумий суғурта учун бирламчи суғурта мукофотларининг ўсиш суръати 2017 йилда 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 3 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Ривожланган бозорларда ўсишни эгилувчан нархлар ва иқтисодий ўсишнинг заифлиги туфайли ўртача ёки секинлашиши кутилмоқда. Ривожланаётган бозорлар 2015 йилги ўсиш 5,6% бўлганидан сўнг, 2016 ва 2017

йилларда юкори ўсиш суръати бўйича умумий суғурта секторидаги етакчилик мос равишда 7,9/8,7% ни ташкил этди. Жадал ўсиш суръати Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларда (йилига 12% гача) ва Марказий ва Шарқий Европада 2014 - 2015 йиллардаги пасайишдан кейин 2019-2020 йиллар давомида барқарор бўлиши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brandmeir K., Grimm M. Global insurance markets — current status and outlook up to 2026 // Economic Research. -2016. -P. 2-11. URL: https://www.allianz.com/v_1462283952000/media/economicresearch/publications/working_papers/en/GVM26Apr2016e.pdf
2. Benfield A. Global Insurance Market Opportunities/ A. Benfield //Risk. Reinsurance. Human Resources. – 2015. - P. 1 - 63 URL: <http://thoughtleadership.aonbenfield.com/documents/20150913-ab-analytics-insurance-risk-study.pdf>
3. Global insurance review 2015 and outlook 2016/17 // Swiss Re. - 2015. URL: http://www.swissre.com/library/Global_insurance_review_2015_and_outlook_201617.html
4. Insurance Market Outlook // Munich Re Economic Research. - 2016. URL: https://www.munichre.com/site/corporate/get/params_E1754367884_Dattachment/1189728/Insurance-Market-Outlook-2016-2017_en.pdf
5. Seifert C. Insurance Predictions for 2016.//Market intelligence. -2016. URL: <http://marketintelligence.spglobal.com/our-thinking/ideas/insurance-predictions-for-2016>
6. Аксютин, С.В. Страховой рынок РФ: проблемы и перспективы // Проблемы развития территории. – 2014. - № 2.
7. Огорокова О.А. Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний //Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. –2012.– № –С. 146-155.
8. Огорокова О.А., Улыбина Л.К. Зарубежный и отечественный опыт развития страхового рынка //Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. –2012.– № –С. 667-675.
9. Огорокова О.А., Улыбина Л.К. Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний //В сборнике: Научное обеспечение агропромышленного комплекса.– –С. 665-666.
10. Огорокова О.А. Формирование и оценка инвестиционной деятельности страховых организаций //Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Ин-т экономики, права и гуманитарных специальностей. – Краснодар, 2012
11. Огорокова О.А., Улыбина Л.К. Институты и инструменты инвестирования финансовых ресурсов страховых организаций //Экономические науки. –2011.– № – С. 194-198.

12. Огорокова О.А. Страховой рынок: тенденции и перспективы развития//ТerraEconomicus. –2011. –Т. 9. –№ 3-2.– С. 74-78.

13. Огорокова О.А., Улыбина Л.К. Формирование и развитие страхового сектора финансового рынка в воспроизводственном процессе экономики региона //Вопросы экономики и права.–2013. –№– С. 101-110.

14. Улыбина Л.К., Огорокова О.А., Ваньян Г.А. Страховой рынок России: оценка индикаторов и перспектив развития//Экономика и предпринимательство. –2013. –№7 (36).– С. 64-68.